

МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ ДАВРИДА ИСЛОМИЙ МАНБАЛАРНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Аминов Ҳамидулла Абдираҳимовиҷ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди
hberuniy@mail.ru

Аннотация

Хива хонлигига энг кўп ҳукмдорлик қилган Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) даврида китобатчилик, китобхонлик ва таржима ишлари ривожланди. Бу даврда илм-фанинг қарийб барча соҳаларига оид асл манбалар таржималарига эътибор қаратилган. Айниқса, диний адабиётлар ва исломий манбаларни туркӣ – ўзбек тилига таржима қилиншишига катта аҳамият берилди. Мазкур мақолада ушбу хон даврида таржима қилинган исломий манбалар тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: таржима, манба, исломий илмлар, фатволар, китобат, Хива, таржимон.

THE TRANSLATION OF ISLAMIC BOOKS IN THE PERIOD OF FARUZ MUHAMMAD RAHIMKHAN

Summary

The process of making, reading and translating books was mainly developed in the period of Faruz Muhammad Rahimkhan (1864-1910), whose reign was the longest among other khans. In this period, it was paid attention to the translation of primary sources from the all fields of the science. Especially, it was paid a special attention to the translation of religious literature and Islamic sources into Turkic-Uzbek. The paper highlights Islamic sources translated in this period.

Key words: translation, source, Islamic sciences, fatwas, kitabat, Khiva, translator.

ПЕРЕВОДЫ ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКОВ ПРИ МУҲАММАДА РАҲИМХАНА ФЕРУЗ

Аннотация

В период Мухаммеда Раҳимхана Феруз (1864-1910), который был самым долгим правителем в Хивинском ханстве, развивалось книгописание (букмекерская деятельность), чтение и перевод. В этот период внимание было привлечено к переводу первоисточников практически по всем областям науки. Особое внимание было уделено переводу религиозной литературы и исламских источников на турецко-узбекский язык. В данной статье рассматриваются исламские источники, переведённые в тот период в Хивинском ханстве.

Ключевые слова: перевод, источник, исламские науки, фетвы, книгописание, Хива, переводчик.

Асрлар давомида ҳалқнинг қадриялари, мағкураси, маънавий оламини белгилаб келган ислом динига бўлган муносабат туфайли у билан боғлиқ адабиётлар, диний китоб ва рисолаларнинг кўплаб кўчирилиши, таржима этилиши ва китобхонларга тарқалишига ҳам катта эътибор қаратилди. Мадраса ва мактабларнинг ҳамда хон саройидаги илм аҳлиниң турли мавзудаги китоб ва дарсликларга бўлган эҳтиёжи катта китоб захирасини талаб қиласар эди. Манбаларда Муҳаммад Раҳимхонга “хотири отир ва ройи мақотирлари (мақтобли хотиралари, тоза фикрлари) ҳамиша улуми шаръий таҳсили, масойили диний тақмили ва таворих фойдалари иктисобига муҳибб ва роғиб

эрди” деб ҳам таъриф берилади [8, 2а]. Унинг китобхонлик мажслислари ҳақида: “Ҳамиша мажслиси ҳумоюнида илми дин муколамасининг завоҳири очилиб, кутуби тасаввуф мутолаасининг жавоҳири сочилур эрди”, деб хабар беради замондошлари [9, 1b-2a].

Муҳаммад Раҳимхони соний саройидаги девонда қирқдан ортиқ шоиру ёзувчи, тарихчилар, ҳаттотлар, таржимонлар, созанд ва хонандалар орасида Комил Хоразмий (1825-1899), Аҳмаджон Табибий (1869-1911), Муҳаммад Юсуф Баёний (1859-1923) каби қалам аҳли билан бирга Муҳаммад Юсуф Доий (1829-1909), Отаниёз қори Ниёзий (1858-1928), Исо Охунд Қонеъ (1883-1933), Абдураззоқ қори Фақирий (1884-1925) ва Раҳмонкули қори охунд сингари диний олимлар ҳам бор эди.

Халқ афкор оммасининг китобга бўлган талаби, китобхонлик маданиятининг юқорилиги, дин аҳлиниң китоб ўқии ва ўқитишга бўлган ижобий муносабати, энг муҳими, хонлар ҳам диний адабиётлар ўқиб туриши, диний асарлар китобатини қадрлаши каби омиллар Хоразмда диний адабиётлар китобати ошиб боришига ҳам сабаб бўлди.

Фиқҳий саволларга қозилар томонидан берилган жавоблар – фатволар “Шарҳ Абу-л-макорим”, “Мухтор”, “Мухтасари Виқоя”, “Ашбоҳ”, “Хизона”, “Дурри мухтор”, “Баҳр ар-роиқ”, “Захирӣйа”, “Хулоса”, “Қозийхон”, “Динорий”, “Қунийя” ва ниҳоят “Ҳидоя” каби асарлардан иқтибослар олиб берилиши ушбу китобларни дин пешволари кенг истеъмол қилганликларидан далолат беради [5]. Табиийки, бу ҳол шу сингари асарлар Хоразмда ҳам кўплаб кўчирилганлигини ҳам кўрсатади.

Таниқли библиограф олим А.Носиров ўзининг “Хоразмга оид манбалар” асарида Хоразмда таржисма қилинган диний мавзудаги китобларнинг 54 та нусхаси рўйхатини келтирган [11, 189-212]. Уларни мавзулар бўйича тасниф қилганда қўйидалги тартиб ҳосил бўлади: тафсир ва қуръоний илmlар; ҳадис; тасаввуф; ислом фалсафаси ва тарихи; фиқҳ; фароиз; қалом-эътиқод; диний қиссалар; сияр; маноқиблар.

Диний асарлар таржисмаларини кўздан кечирар эканмиз, уларда бошқа соҳаларга оид таржисмалар каби улар ҳам Муҳаммад Раҳимхон Феруз фармони билан китобат қилинаётганлиги таржисма муқаддимасида ёки китоб хотимасида қайд қилиб ўтилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, “Нур ал-абсор” асари муқаддимасида таржимонлар бундай ёзади: “Бо вужуд ул Ҳазрат (яъни, Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний) “Нур ал-абсор” отлиғ арабий китобини туркӣ тилига таржисма қилиб битсун, деган амри олийлари судур топди” [8, 2а]. Бу қайдлар ҳаттотининг мазкур китобга ёзган хотимасида ҳам ўз аксини топган [8, 265b]. Пайгамбаримиз (с.а.в.) оиласарининг фазилатларига бағишиланган “Нур ал-абсор” асари 1322-1325/1904-1907 йилларда “арабий китобини туркӣ тилига таржисма қилиб” битилади. Уни хоразмлик Муҳаммад Шариф охунд ҳамда Мулло Муҳаммад Амин Хоразмий ўғирганлар.

Мулло Ҳудойберган охун Хивақий ва Домла Отажон Хивақийлар XVI-XX аср мадрасаларида ҳадис фани бўйича асосий дарслик бўлган “Мишиқот” китобини туркӣ тилга ўғирганлар [14, 126]. “Мишиқот ал-масобиҳ” (“Чироқлар токкаси”) асари Валийуддин Ҳатиб ат-Табризий (ваф. 1340) томонидан 737/1336 йилда ёзилган ҳадислар тўплами ҳисобланади. Бироқ, Хоразмда унинг асл матни билан бирга Абдулҳаққ ибн Сайфиuddин ад-Деҳлавий (1551-1642) томонидан ёзилган “Ашъат ал-ламаом” (“Ёғдулар шўъласи”) номли форс тилидаги уч жислдлик шарҳи тўлиқ таржисма қилинган. Шориҳ ҳинд олимларидан, муаррих, фақиҳ, таниқли муҳаддис бўлишига қарамасдан асли Бухоро ўзбекларидан бўлгани учун ат-Турк ал-Бухорий нисбаси ҳам берилади.

Ҳадис илмига бағишиланган “Сафар ас-саодат” асари муаллифи Мажедуддин Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб аи-Шерозий (ваф. 1414) бўлиб, уни Абдулҳаққ ад-Деҳлавий (1551-1642) форс тилида шарҳ қилган. Унинг шарҳи олим ва талабалар орасида машҳур бўлгани боис Хоразмда 1905-1906 йилларда ўзбек тилига таржисма қилинади.

Ҳанафийлик мазҳабининг асосий фиқҳий манбаси бўлмиси “Мухтасар ал-Виқоя” Хивада икки марта таржисма қилинган. У Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (вафоти 747/1349) томонидан битилган бўлиб, асли номи “ан-Ниқоя”dir. У муаллифнинг бобоси ёзган “Виқоя” асарининг муҳтасари-қисқарти маси бўлгани учун шу ном билан шуҳрат қозонган. “Виқоя” эса Бурҳониддин Марғилоний (1118-1197) томонидан битилган машҳур “Ҳидоя” асарининг фақат фиқҳий масалалари жамланмасидир.

“Мұхтасар ал-Виқоя” мадрасаларда дарслық сифатида ўқитилгани учун унга әътибор жсуда кеттә бўлган. Шунинг учун у эски ўзбек тилида ҳам бир неча марта таржисма қилинган. Жумладан, Хоразмда икки марта таржисма қилинган. Биринчиси, Домла Мұхаммад Салоҳ (XVII аср)нинг Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1644-1663)га бағишилаб ёзган форс тилидаги шарҳининг таржимаси, таржимон маълум эмас. 1893 йилда эса Домла Бекмуҳаммад томонидан Абдулали Биржандий(вафоти 935/1528)нинг 1525 йилда “Мұхтасар ал-Виқоя” асарига ёзган шарҳи тўлиқ таржисма қилинади [3]. Қўлёзмада унинг таржимаси Мусо Тўра мадрасасида амалга оширилганлиги ёзилган.

Хоразмда кўчирилган ва хон буйруги асосида ўғирилган диний асарлар орасида икки таржимон таржимаси бўлган ва икки хаттот кўчирилган китоблар ҳам бор. Масалан, “Фиқҳи Кайдоний” асари XIX асрнинг охри – XX аср бошларида яшаб ўтган Хоразмнинг машҳур диний арбоблари Муфтий Ибн Шермуҳаммад Хоразмий ҳамда Мұхаммад Раис охунд Мирзо тарафидан ўзбек тилида таржисма қилиб шарҳланган. Бу асар Хива тошибосмасида 1309/1891 йили кўп нусхада нашр ҳам этилган.

Фиқҳга оид манбалардан бири “Солати Масъудий” ҳам Хоразмда таржисма қилинган. У Фақих Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандий (XIII аср охри – XIV аср бошлари) қаламига мансуб форс тилида ёзилган З жилдан иборат асардир. Унда, асосан, намоз ва унга тааллуқли масалалар баён этилган. Хоразмда 1866-1882 йилларда таржисма этилган.

Кўриниб турибдики, Хоразмда кўчирилган диний асарларнинг таржисма ва китобати ишларида диний арбоблар, мадраса мударрислари, қишлоқ ва овуллардаги муллалар ҳам фаол қатнашганлар.

Хива хонлигининг энг сўнгги муфтийларидан бири, Раис эшон номи билан машҳур бўлган Нуруллоҳ охунд ибн Абдураҳмон сўфи Хоразмий хон Феруз фармонига кўра илми каломга бағишиланган асар таълиф қиласи. Туркийда битилган бу асар ўтмишида калом илмида ёзилган йирик ҳажсмили китоблардан танланган ибораларнинг туркий таржисма ва изоҳларидан иборат. Асар охрида муаллифнинг сўнгсўзи ҳам бор. Унда ақида ва фиқҳий масалалар борасида Мұхаммад Раҳимхони соний фармонига кўра арабча матнлардан жамланган ушибу китоб 1322/1904 йилда тугалланганлиги қайд этилади [12, 178a].

“Ақойиди Имом Турпуштий” деб танилган ақидалар мажмуаси Шаҳобиддин Абу Абдуллоҳ Фазлуллоҳ ибн Ҳасан ат-Турпуштий (ваф. 1260) томонидан битилган. Бу ерда форс тилидаги кичик ҳажсмили “ал-Мўтамад фи-л-мўтақад” номли асари назарда тутилмоқда. Мазкур асар Хоразмда ўзбек тилига таржисма этилган.

“Нодир ал-меъроҷ” Шайх ал-олам Акбарободий (XVII аср) томонидан 1044/1635 битилган асар бўлиб, Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг меъроҷ воқеаларига бағишиланган. Хоразмда Мұхаммад Амин ибн Мұхаммад Олим Хоразмий таржисма қиласи, Мұхаммад Рафиъ Хоразмий эса 1907 йил кўчирилган.

Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Ҳусайниний (ваф. 1511) томонидан Алишер Навоийга атаб 1494 йили “Равзат ал-аҳбоб” асари ёзилган бўлиб, Баёний уни 1322/1904-1905 йилда туркча ва ўзбекча вариантлари асосида қайта таржисма қиласи. Асар З мақсад (жилд)дан иборат бўлган. Пайгамбаримиз (с.а.в.) ва унинг оиласи, саҳобалари ҳақидадир. Мелодий 1694-1696 йилларда Маҳмуд Магнисовий деган адаб Мустафохон II (1694-1702) амри билан румийча-туркчага ўғиради. 1904 йилда эса Хивада Домло Эшмуҳаммад уни ўзбекчага ўғирган, лекин Мұхаммад Раҳимхон Ферузни қониқтиргмагани учун Мұхаммад Шариф Баёний униг амри билан ўша ўшиёткини қайта ўзбекчалаширишига киришиган [7]. Мұхаммад Раҳимхон Ферузнинг устози, энг ҳурмат қиласи диний арбоби Мұхаммад Юсуф ҳожи Доий эди. У Арабхон мадрасасининг бош мударриси, Хоразм муфтийси ҳам бўлган. У Имом Газзолийнинг “Минҳож ал-обидийн” асарини ўзбекчага ўғириб, 1308/1890 йилда ўзи китобат қиласи. Асар ниҳоятда маҳорат билан чиройли настаълиқда ҳафтранг қогозга кўчирилган [9].

Мұтасаввиф авлиёларнинг таржисмаи ҳолларига бағишиланган “Хазинат ал-асфиё” асари Гулом Сарвар ибн Гулом Мұхаммад Лоҳурий (XIX аср) томонидан битилган бўлиб, 1280-1281/1863-1865 йилларда ёзилган. Асар 2 жилд, 7 бўлимдан иборат. Хоразмда Мұхаммад Раҳимхон Ферузнинг буйруги билан Мұхаммад Ёъқуб Охунд Бешариқли 1906-1907 йилларда ўзбек тилига таржисма қиласи. 1907-1908 йилда Исмоил Авазниёс сўфи китобат қиласи нусхаси мавжуд [10].

Умуман олганда, Хоразмда таржисма қилиб ҳалқа етказиш керак бўлган асарлар маълум мақсад ва режса асосида олиб борилган. Тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва тасаввуф соҳаларида, айтиши мумкинки, исломий илмларнинг барчасидан асарлар таржисма қилинган. Ушибу кўчирилган ва таржисма қилинган

диний адабиётларни ўрганиш ва улар китобатини тадқиқ этиши диниунослик, китобат тарихи, диний асарлар тадқиқотлари учун муҳим маълумотлар берииши шубҳасиздир.

ФОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абдурасулов А. Хива (*тархий-этнографий очерклар*). – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ахунджанов Э.А. К истории разветия книжного дела в Хиве // Общественного науки в Узбекистане. – Тошкент, 1997. №7-8.
3. Бекмуҳаммад Хивақий. “Мухтасар ал-Виқоя” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7314.
4. Бобоҷон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. – Т.: Гоғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1994.
5. Каталог Хивинских казийских документов. XIX – начало XX вв. / Составители: А.Урунбаев, Т.Харикова, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. – Таишкент-Киото, 2001.
6. Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи П.Бобоҷонов. – Урганч шаҳри, 1992.
7. Муҳаммад Шариф Баёний. “Равзат ал-аҳбоб” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 6910.
8. Муҳаммад Шариф Хоразмий. “Нур ал-абсор” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 6804.
9. Муҳаммад Юсуф Доий. “Минҳож ал-обидин” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8502.
10. Муҳаммад Яъқуб Бешириқий. “Хазинат ал-асфиё” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8774.
11. Носиров А. Хоразмга оид манбалар. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 13423.
12. Нуруллоҳ охунд Хоразмий. Масоили эътиқодия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7360.
13. Самойлович А.Н. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня // 6.105. Известия АН Туркм.ССР. Серия общественный наук. Ашхабад, 1981. № 1.
14. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.